

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЛОР КАСАЛЛИКЛАРИ КАФЕДРАСИ ТАРИХИ

1920 йил 11-майда Тошкент шаҳридаги Полторацкий номидаги касалхона университет клиникаси сифатида тиббиёт факультети ихтиёрига берилди. Бу ерда ЛОР касалликлари (харбий госпиталь базасида) профессор С.Ф.Штейн бошқаради. Ўзбекистонда илк оториноларингологик тадқиқотларга Туркистон дорилфунининг ЛОР кафедраси мудири С.Ф.Штейн раҳбарлик қилди, у Россия ва Ўзбекистон оториноларингология фанининг асосчиларидан бири.

1921 йилда соғлиғи оғирлашганлиги туфайли С.Ф.Штейн Есинтуки шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлди. С.Ф.Штейн вафотидан сўнг 1922 йилда кафедра мудирлигига катта асистент С.Ф.Каплан сайланди (1922-1927). 1927 йилда Ўрта Осиё тиббиёт факультетида И.Н.Розенфильд кафедра мудирлиги лавозимига вақтинча тайинланган (1927-1930).

1930 йилда кафедра мудирлигига С.Г.Боржим тайинланди (1930-1937). Кафедрада доцент И.Б.Блюм, асс.Н.А.Новиков, С.И.Шумский, аспирант Н.Н.Кремнев, ординатор Д.И.Александрович, И.И.Дубинчик, Э.А.Лодижинская. Ушбу даврларни кафедра сермахсул йиллари деб аташимиз мумкин. Ушбу йилларда клиника янги бинога кўчиб ўтди, касаллар учун 30 ўринли бўлим, 2 та ўқув ва лаборатория хоналари ташкил қилинди. Клиника фаолиятига қулоқ, бурун, ҳалқум ва ҳиқилдоқ касалликлари билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволашда янги-янги усуллар амалиётга тадбиқ қилинди. Шу билан бир қаторда кафедрада илмий, педагогик ва даволаш йўналишида истиқболли одимлар қўйилди. Яна қўшимча 3 та ўқув хонаси, музей ҳамда клиникани 40 касаллик ўринларигача кенгайтиришга эришилди.

1937 йилда проф. С.Г. Боржим ўрнига вақтинчалик кафедра мудирлигига С.Н. Шумский, ундан сўнг Н.А.Новиков бажарди. Клиникада бемор ўринлар сони 60 ўринга етди. Оториноларинголог мутахассисларини тайёрлаш сони йил сайин ошиб борди. 1939-1945 йиллар давомида кафедра мудири В.Б.Чекурин ишлаган. 1944 йилда С.И.Шумский “Сурункали тонзиллитларни ташхислаш” мавзусидаги тиббиёт фанлари доктори даражаси учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1944 йилда Тошкент Тиббиёт институти санитария-гигиена ва педиатрия факультетлари учун иккинчи ЛОР кафедра ташкил этилди ва унга С.И.Шумский мудир этиб тайинланди. 1945 йилда В.П.Чекурин кенгандан сўнг иккала клиника бирлаштирилиб 100 ўринлик ЛОР бўлими ташкил этилди ва кафедра мудирлигига С.И.Шумский тайинланган. Клиникада сурдология, логопедия, эшитишни протезлаш каби ёрдамчи кабинетлар ташкиллаштирилган.

С.И.Шумский даврида кўпгина маҳаллий мутахассислар К.Д.Миразизов, С.Г.Агзамов, Р.А.Хамраева, Р.М.Қаюмова, Э.И. Ибадов, А.У.Усмонова, А.Г. Ганиев, З.Г.Рахимова, А.З.Рахимова, М.А.Расулова, З.С. Абдурахимова ва бошқалар кейинчалик Республикамиздаги ташкил бўлган институтларнинг кафедраларида фаол иш олиб бордилар.

1955-1968 йиллар давомида кафедра мудирлиги вазифасида И.Ю.Ласков бажарди. Проф. Ласков ташаббуси билан республикамизда биринчи болалар бўлими ташкил қилинди.

1957 йилда К.Ж. Миразизов “Чакка суякда ташхисдан кейин учрайдиган йирингли яраларни битиши жараёнини текширишни айрим усуллари” тўғрисидаги номзодлик диссертацияни ҳимоя қилди. 1965 йилда Қ.Ж. Миразизов “Қалла ичи асоратларини патогенизи, ташхислаш ва даволаш “ мавзусидаги тиббиёт фанлар доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертациянинг мувофақиятли ҳимоя қилди. Шунини қайд этиш лозимки, туркий забон халқлари орасида биринчи бор докторлик диссертациясини оториноларинголог касби бўйича Қ.Ж. Миразизов ҳимоя қилган.

1968 йилда кафедра мудирлигига проф. Қ.Ж.Миразазов сайланди. Илмий амалий ишлар бўйича оториноларингология клиникаси кулоқ, томоқ, бурун, халқум ва ҳиқилдоқ касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича юқори малакали илмий ва амалий ходимлар тайёрлашда бутун мамлакат бўйича, қолаверса Марказий Осиёда йирик даволаш профилактик илмий ва амалий республика марказига айланди, яъни янги ўқув хоналари, функционал текширув хоналари, замонавий тиббий асбоб ускуналар харид қилинди. 1970-йилда фониятрия хизмати ташкил қилинди. Беморлар товуш функциялари бузилишлари ҳамда ҳиқилдоқ ва трахия касалликлари билан азият чекганлар ихтисослашган тиббий реабилитация тадбирларини олишга шаройит яратилди. Кафедра ходимлари томонидан эшитув анализаторининг функцияларини миллий халқларимизни аниқлашда ва уларга асосланган тиббий ёрдамни ташкиллаштириш мақсадида “Нутқ аудиометриясига нисбатан қиёслашда ўзбек тилининг акустик-артикуляцион таҳлили” китоби нашр этирилди.

Қўчқор Жўраевич Миразизов кафедра мудирлиги лавозимида ишлаш билан бир қаторда кўплаб мамлакатлар илм марказлари, институтлар ва нуфузли ташкилотларда аъзолик вазифасини ҳормай-толмай бажарди. Кафедрани илмий амалий йўналишларини бошқариш билан бир қаторда Республика оториноларингологлар илмий-амалий жамиятининг раиси сифатида мамлакатимиздаги тиббиёт институтларининг кафедраларига етук илмий ходим ва педагогик кадрларни етказиб беришда ва у кафедраларда мақсадли илмий йўналишларни режалаштиришда ҳамжиҳатлик билан биргаликда ҳал қилинган.

1997- йил сентябр ойи - 2005- йиллар мобайнида кафедрага К.А. Хужаева кафедра мудир лавозимида ишлади. К.А.Хужайева 1968 йилда укишини Андижон Тиббиёт институтини 1972 йилда мувофақиятли тугатди. 1979 йилда “Отоген мияичи асорати билан беморларнинг лейкоцитларида цитохимик реакциялар ва фагоцитознинг клиник ахамияти” мавзусида номзодлик диссертациясини мувофақиятли ёклаб, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига сазовор булди.

К. Хужайева 1977 йилдан бошлаб Биринчи ТошДавТИ оториноларингология кафедрасида ва малака ошириш курсларида ассистентлик лавозимида ишлади. 1984 йилда доцентлик лавозимида ишлади. К.Хужайева 1992 йилда Москвада «Юқори нафас йуллари ва кулоқ касалликларида йирингли яллигланиш жараёнларига гелий – неон лазерларининг шифобахш таъсирини патогенетик механизмлари» мавзусида докторлик диссертациясини ёклади. Тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эришгач, 1993 йилдан бошлаб кафедра профессори лавозимида фаолият юрита бошлади, Франция, Олмония, Исроил ва Австралия халқаро конгресс ва симпозиумларида катнашиб, чет еллик соҳадошлари тажриба алмашди.

1975 йил институтда талабалар сони кескин ошганлиги сабабли иккинчи ЛОР касалликлари кафедраси ташкил этилди ва **профессор А.И.Муминов** кафедра мудир этиб сайланди.

А.И.Муминов 1960 йилда ТошДавТИ даволаш факультетини тугатди ва 1960-62 йиллар давомида СамТИ ЛОР касалликлари кафедрасида клиник ординатурада таҳсил олди.

1962-65 йилларда А.И.Муминов Москва шаҳридаги Марказий шифокорлар малакасини ошириш институтида аспирантурада укиб, 1965 йилда “Бурун ва бурун ёндош бушликлари касалликларининг улкадаги йирингли касалликлар билан узаро боғликлиги” мавзусида

тиббиёт фанлари номзодлиги диссертациясини химоя килди.

А.И.Муминов 1965-1970 йиллар давомида СамТИ ЛОР касалликлар кафедраси ассистента, доценти булиб ишлади. 1970 йилдан 1973 йилгача ТошДавТИ ЛОР касалликлари кафедраси доцента лавозимида ишлади. 1972 йилда “Пестицидлардан захарланишда эшитиш анализаторидаги клиник ва морфологик узгаришларнинг параллеллари” мавзусида докторлик диссертациясини химоя килди. 1973 йили А.И.Муминов ЛОР касалликлари кафедраси профессори лавозимига сайланди. 1975 йилда ТошДавТИ I даволаш ва санитария-гигиена факултетларининг ЛОР касалликлари кафедрасини ташкил этди ва 1990 йилга қадар бу кафедранинг мудирини лавозимида фаолият курсатди.

А.И.Муминов доимо илмий-педагогик ва даволаш фаолиятини маъмурий ва жамоатчилик ишлари билан чамбарчас боғлаб келди. ТошДавТИ да фаолият курсатган йилларда А.И.Муминов шу институтнинг интернатига ва ишлаб чиқариш амалиёти, I даволаш факультета декани, уқув ишари бўйича проректор лавозимларида самарали меҳнат килди. 1990 йилда УзР Бухоро шаҳрида тиббиёт институт ташкил этилиш тугрисидаги Қарори эълон қилинди. А.И.Муминовга институтни фаолият курсатишига раҳбарлик қилишдек маъсулиятли вазифа топширилди ва у шу институт ректори этиб тайинланди. Утган қисқа вақтида А.И.Муминов раҳбарлиги остида Бухоро Давлат медицина институти Республика мида кузга қурилган олий уқув юртли қаторидан урин олди. 1995 йилдан 2000 йилгача А.И.Муминов СамДавТИ ректори лавозимида фаолият курсатди. 1995 йилдан 2001 йилгача эса шу институтнинг шифокорлар малақасини ошириш факултетининг ЛОР- касалликлари кафедраси мудирини лавозимида ишлади.

А.И.Муминов педагогик фаолияти давомида тиббиёт институтларида уқув-тарбиявий ишларни илмий асосда йулга қуйиш, ҳозирги замон янги уқув технологияларини жорий қилиш юзаси бўйича фаол иш олиб борди. Шу билан бир қаторда у ходимлар, талабаларнинг ҳар қандай ижтимоий-иктисодий муаммоларини одилон ва ижобий ҳал этишга қумаклашди.

А.И.Муминов 320 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этди, 5 кашфиётлар ихтиро килди. А.И.Муминов муаллифдошлар билан биргаликда оториноларингологиянинг долзарб мавзуларига бағишланган 5 монография чоп этди. А.И.Муминов медицина институтлари талабалари учун мулжалланган узбек тилидаги биринчи “Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари” дарслигининг муаллифидир.

А.И.Муминов раҳбарлигида 29 номзодлик ва 7 докторлик диссертацияси муваффақиятли химоя қилинган. Ҳозирги кунда унинг шогирдлари республика мидаги тиббиёт олий уқув юртлиларида, илмий текшириш институтларида, соқликни сақлаш тизимининг турли жаҳхаларида раҳбар, профессор-уқитувчи, изланувчи, шифокор лавозимларида самарали меҳнат қилмоқдалар. А.И.Муминовнинг эшитиш ва вестибуляр анализаторларга ташқи ва ички муҳит омилларининг таъсирини урганишга бағишланган изланишлари оториноларингология ва тиббиётнинг бошқа йуналишлари учун қата илмий ва амалий аҳамият қасб этади.

1980 йили А.И.Муминов ташаббуси билан Республика эшитиш, овозни қайта тиклаш Маркази ташкил этилди. А.И.Муминов Республика Соқликни сақлаш вазирлигининг бош оториноларингологии лавозимида фаолият курсатган даврда ҳар бир туманда оториноларингология бўлимлари барпо этилишини таъминлади ва уларнинг замонавий тиббий асбоб-усқуналар билан жиҳозланишида, тажрибали ва малақали шифокорлар билан мустаҳкамланишига салмоқли қисса қушди.

Ақром Ибрагимович сайи ҳаракати билан янги ТошМИ худудида эшитув ва овозни қайта тиклаш Республика марказини ташкил қилиб, эшитув анализаторига қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ядо-химикатларнинг таъсири, Республика мида аҳолси орасида ирсий (туғма) йўллар билан келиб чиқадиган эшитувнинг заифланишларини эрта ташхислаш ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқилди. Унинг раҳбарлигида 7 та докторлик

ва 32 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Клиника замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Шу билан бир қаторда 320 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этди. 5 та кашфиёт, ихтиролар оториноларингологиянинг долзарб мавзуларига бағишлаб 5 та монография чоп этди. А.И.Мўминов Тиббиёт институти талабалари учун мўлжалланган ўзбек тилида биринчи “кулок, томоқ ва бурун” касалликлари тугрисидаги укув адабиетини муаллифидир. У оториноларингология йўналиши бўйича узига хос улкан мактаб яратди (проф.Хакимов А.М., проф.Джаббаров К.Д., проф.Матқулиев Х.М., проф.Карабаев Х.Э., проф.Лутфуллаев У.Л., проф.Арифов С.С., проф.Шайхова Х.Э., проф.Маршарипов Р.Р., доц.Ферштат В.Н., т.ф.д.Полванов Б.Б., доц.Вахидов Н.Х., доц.Ходжанов Ш.Х., доц.Хушвактова Н.Ж. ва бошқалар).

Шуларнинг ичида профессор Х.М.Матқулиев фаолият кўрсатмоқда. Олимни илмий йўналиши реконструктив пластик ва эшитиш заифлигини сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш муаммоларига бағишланган.100 ортиқ илмий ишлар муаллифи, 14 ортиқ укув-методик кулланмаларини муаллифи, 12 рацпреложенияни автори, 5 кандидатлик номзодларни тайерлаган.

Профессор С.С.Арифов ТошВМО кафедрасида фаолият кўрсатмоқда. Олимни илмий йўналиши кулоқнинг йирингли касалликлари муаммоларига бағишланган.200 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.Республикада биринчилардан бўлиб эшитув анализаторларини заифлигида ички кулоққа эшитув аппаратларини ўрнатиш усулини амалиётга татдиқ қилди.Оториноларингология соҳасида бир қанча илмий ходимлар тайёрлаб берди.

1994-2005 йилларда профессор А.И.Муминовдан кафедра мудирлигини қабул қилган профессор А.М.Хакимов кафедрага раҳбарлик қилди. Ўзбекистонда тиббий таълимни ислох қилиш йўналишида соғлиқни сақлаш тизимини ҳам ислох қилишнинг давлат дастурларига мувофиқ тиббий институтларни битирувчи кадрларнинг замон талаби даражасида тайёрлаш мақсадида 2005- йил **Тошкент тиббиёт академияси** ташкил булди. Академиянинг оториноларингология кафедраси қайд қилинган 2 кафедра бирлаштирилиши хисобига шаклланди. Унга **профессор А.М.Хакимов** кафедра мудирлиги қилиб тайинлади. Ушбу лавозимда 2011- йилгача ишлаб келди.

Хакимов Абдумалик Махмудович тиббиёт фанлари доктори, профессор 1941йилда тугилган. 1964 йилдаТаш МИ нинг даволаш факультетини тугатган. 1964-1970 йилларда харбий шифокор булиб ишлаган (Белоруссия, Венгрия, Чехословакия). 1970 –йилдан ТашДавМИДа ЛОР клиникасида ишлайди; ординатор, аспирант, ассистент, доцент, профессор, кафедра мудирлиги (1992-2010 йилларда). Илмий йўналиши ички кулоқ патологияси, эшитиш ва вестибуляр анализатор. 1989-2000 йилларда декан мовуни ва даволаш факультетининг декани вазифасида ишлаган. 10 йилдан ошди даврда Ўзбекистон Оториноларингологлар Ассоциацияси Райси, Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг бош мутахасиси булиб ишлаган.

У 1992 йилда «Характеристика приобретенной тугоухости у детей и значение фактора индивидуальности в их патогенезе» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унинг раҳбарлигида 3 та докторлик, 14 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилган, 1 та укув дарслиги 20 дан ортиқ укув услубий кулланмалар ва 3 патент муаллифидир.

Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан 2 марта «Соғлиқни соқлаш аълочиси» нишони ва Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш ходимлари қасаба уюшма Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган.

2011- 2014 йил кафедрани тиббиёт фанлари доктори, профессор Х.Э.Шайхова бошқарди. Шайхова Халида Эркиновна 1977 йилда Тошкент давлат тиббиёт институти даволаш факултетини имтиёзли тугатган.

Тошкент Давлат тиббиёт институти ЛОР касалликлари кафедрасида 1979йилдан 1982йилгача аспирантурада уқиган ва «Юкори жағ бўшлиғининг сурункали яллиғланиш

касалликларида иммун системанинг дискретно-динамик анализи» мавзуси бўйича кандидатлик диссертациясини Москвада муоффақиятли ёқлади. 1996 йилдан 1999 йилгача докторантурада ўқиган ва «Ўрта кулоқ йирингли яллиғланиш касалликларида лимфатроп ва лазеротерапияни клиник-экспериментал асослаш мавзуси бўйича докторлик диссертациясини муоффақиятли ёқлади. 2002 йилдан ЛОР касалликлари кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келди. Ушбу йилларда Ўзбекистонда тиббий таълимни ислох қилиш дастурига мувофиқ оториноларингология фани бўйича ўқиш дастурини узгартиришни талаб қилди. Уқув жараёнида илгор педагогик технологиялар, объектив структураланган клиник имтихон қулланилди (ОСКИ). Илмий ва амалий ишларни янада такомиллаштириш йўналишида ишлар давом эттирилди. 2011 -2014 йилгача Тошкент Тиббиёт Академияси ЛОР касалликлари ва стоматология курси кафедраси мудири бўлиб ишлади.

Х.Э.Шайхова Тошкент тиббиёт академия ва кафедрада ташкилий ишлар бўйича жамоатчи ва актив қатнашчиси. 2005 йилдан 2011 йилгача Академиянинг халқаро бўлими бошлиғи ва магистратура бўйича директор программаси, илмий иш ва ўқув ишлар бўйича ЛОР кафедрасида ишларни бошқарган. Тошкент Тиббиёт Академиясида Илмий Кенгаш, ректорат аъзоси, ҳозирги кунда ТТА хузуридаги Илмий Кенгаш раис муовини ва ЛОР касалликлари кафедраси профессори лавозимида фаол ишламоқда.

Шайхова Х.Э. 2011йилдан Ўзбекистон врачлар ассоциациясини оториноларингология бўлими раиси, Тошкент тиббиёт академиясини Илмий Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси Президиуми аъзоси, Соғлиқни сақлаш вазирлигини врачлар аттестация комиссияни аъзоси, Ўзбекистон врачлар Ассоциация журналини редколлегиясини аъзоси.

Х.Э.Шайхова жуда кўп республикадаги ва халқаро давлатларда (Австрия, Испания, Германия, Франция, Турция, Корея, Россия) илмий конференциялар, симпозиумларда маърузалар билан иштирок этган. Уни раҳбарлигида 4та фан номзодлари тайёрлаган. “Бурун ва бурун ёндош бушлиқлари касалликлари” (уқув қулланма, Тошкент 2014) ва 12 дан ортиқ уқув-методик қулланмалар, 4та муаллифлик гувоҳномалари, 1та ихтирочилик тавсияси, 200 дан ортиқ илмий мақолалар ва илмий оммабоп мақолалари журналлар ва тўпламларда чоп этилган.

Республикамизни мустақиллик даврида кафедрамиз ходимлари: А.М.Ҳакимов, К.Д.Жаббаров, К.Д.Хужаева, Х.М.Матқулиев, С.С.Арифов, В.В.Храмцовский, Б.Б.Полванов, Х.Э.Шайхова, Н.Н.Абдуллаева, У.С.Ҳасанов, Ж.Ф.Шамсиев, Н.Э.Махкамова докторлик диссертацияларини химоя қилдилар ва профессорлик унвонини олдилар.

2014-йилни август ойидан кафедрани **тиббиёт фанлари доктори Ҳасанов Улугбек Саидакромович** бошқармоқда. У 2007- йилда «Клинико-патогенетический особенности хронических воспалительных заболеваний гортани и их лечение» мавзусидаги тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. 100 дан ортиқ илмий мақолалар ва катор уқув услубий қулланмалар муаллифидир.

Юқорида қайд қилинган кафедрада олиб борилган илмий амалий изланишларни барчаси бевосита Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ЛОР кафедраси билан ҳамкорлик ҳамжихатликда бўлиб, Республикамиз илм салоҳиятини янада юксалишига омил бўлди. Республика аҳолисини оториноларингология йўналиши бўйича соғломлаштиришда муҳим рол ўйнади.

Кафедра тарихи жуда қисқа бўлсада шу даврлар ичида қузга ташланган ютуқларга эришилди. Бир катор йирик мутахассислар, олимлар етишиб чиқди. Илмий – текшириш

ишларини йулга куйишда Республика учун юкори малакали мутахасислар тайёрлашда бегараз ёрдам курсатган домлаларимизни номларини миннатдорчилик билан тилга оламиз.